Адл ила олам юзин обод қил

Куч–адолатда

2020 йил
31 январь,
жума
№ 5 (778)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллуди куни муносабати билан хотира тадбирлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 январь куни Тошкент шаҳридаги Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов том маънодаги ватанпарвар, буюк давлат арбоби, доно сиёсатчи эди. Унинг ташаббуси ва жасорати билан Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритди, суверен демократик давлат сифатида халқаро миқёсда тан олинди.

Биринчи Президентимиз ўз халқига, Ватанига хизмат қилишнинг юксак намунасини намоён этди. Оғир қийинчилик ва синовларга қарамай, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида эришилган салмоқли натижаларда Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёс. Шу боис, Биринчи Президентимиз халқимиз қалбидан чуқур жой олди, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг эътибори ва тегишли қарори билан унинг хотираси абадийлаштирилди, ҳурмати жойига қўйилди. Биринчи Президентимиз таваллуд топган 30 январь кунини нишонлаш эзгу анъанага айланди.

— Бу санани муносиб ўтказиш бизнинг ўз тарихимизга, мустақиллигимизга бўлган ҳурматимизни, халқ, миллат сифатидаги маданиятимиз ва савиямизни намоён этади, — деган эди давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Қуръони карим тиловат қилинди. Ислом Каримовнинг серқирра фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари ёдга олинди.

Гул қўйиш маросимида Президент Администрацияси, парламент палаталари ва ҳукумат аъзолари, илм-фан ва маданият намояндалари, зиёлилар, шаҳар жамоатчилиги иштирок этди.

Шу куни Ислом Каримов туғилиб ўсган ва мангу ором топган Самарқанд шаҳрида ҳам халқимизнинг буюк фарзанди таваллуд куни кенг нишонланди. Жамоатчилик вакиллари шаҳардаги Ислом Каримов мақбара-мажмуасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг Регистон майдони яқинида ўрнатилган Ислом Каримов ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Қарши шаҳрида ҳам буюк Йўлбошчимиз ҳайкали пойи гулларга бурканди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Биринчи Президентимиз таваллуд кунига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш орқали мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини янада кенгайтириш ҳамда болаларнинг мактабгача таълими билан кенгроқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2018-2019 йилларда мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда халқаро молия институтларидан эквиваленти **200,0 миллион** АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар жалб қилинганлиги;

мазкур кредитлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва хусусий шериклар ўртасида **140,1** минг ўринли нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун имзоланган **1 412** та давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлардан (кейинги ўринларда — битимлар) **992 таси** бўйича **имтиёзли кредитлар молиялаштирилганлиги;**

420 та битимларнинг **100 дан** ортиғи бўйича хусусий шериклар томонидан нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш,

қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш (кейинги ўринларда —ашкил этиш) ишлари ҳажми **25 ва ундан ортиқ фоизи бажарилганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш дастурини давом эттириш мақсадида белгиланган тартибда **тузилган битимлар бўйича кредитларни молиялаштириш учун тижорат банкларига қўшимча маблағлар ажратиш** тўғрисидаги таклифлари мақуллансин.

3. Белгилансинки:

а) 2019 йил 1 декабрга қадар мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш ишлари **25 фоиздан кам бўлмаган ҳажмда бажарилган битимлар бўйича** кредитларни молиялаштириш учун зарур бўлган **182 миллиард** сўм маблағлар Молия вазирлиги томонидан 2020 йил учун Давлат бюджетида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича харажатлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида **2020 йил 1 мартга қадар ажратилади.** Бунда кредитлар **15 йил** муддатга, шу жумладан, **3 йиллик** имтиёзли давр билан йиллик **1 фоизли** ставка бўйича берилади;

б) 2018-2019 йилларда белгиланган тартибда тузилган 300 дан ортиқ битимлар бўйича кредитлар:

Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятларнинг маъмурий марказлари ҳамда 1-иловада келтирилган вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда — 15 йил муддатга, шу жумладан, **3 йиллик** имтиёзли давр билан йиллик **12 фоиз** ставка бўйича;

туманларнинг маъмурий марказларида — 15 йил муддатга, шу жумладан, **3 йиллик** имтиёзли давр билан йиллик **8 фоиз** ставка бўйича;

туманларнинг бошқа ҳудудларида — 15 йил муддатга, шу жумладан, **3 йиллик** имтиёзли давр билан йиллик **5 фоиз** ставка бўйича берилади;

2020 йилда халқаро молия институтларидан ушбу мақсадлар учун жалб этиладиган имтиёзли кредитлар (қарзлар) ҳисобидан молиялаштирилади;

в) **2021 йил ва келгуси йилларда** тузиладиган битимлар бўйича кредитлар:

тижорат банклари томонидан мустақил белгиланадиган фоиз ставкаларида берилади;

халқаро молия институтларидан жалб этиладиган имтиёзли кредитлар (қарзлар), шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун аввал ажратилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан қайтариладиган асосий қарзлар ҳисобидан молиялаштирилади;

г) 2018-2019 йилларда белгиланган тартибда имзоланиб, молиялаштирилмаган ҳамда келгуси йилларда тузиладиган битимлар бўйича кредитлар ушбу битимларда назарда тутилган **хусусий шерикнинг ўз маблағлари ҳисобидан бажарилиши (сотиб олиниши) лозим бўлган ишлар (товарлар) тўлиқ амалга оширилганидан сўнг,** тижорат банклари томонидан молиялаштирилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг:

3-банди "а" кичик бандида кўзда тутилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан тўланадиган фоизлар хизмат кўрсатувчи тижорат банкида **тўлиқ қолдирилади;**

3-банди "б" кичик бандида кўзда тутилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан тўланадиган **фоиз ставкасининг 2 фоизи** хизмат кўрсатувчи тижорат банкида қолдирилади, қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадига ўтказилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2020-2021 йилларда давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини (қарзларини) жалб қилиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда давлат-хусусий шериклик асосида ташкил қилинадиган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини устувор тартибда **Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар, шунингдек, вилоят ва туманларнинг маъмурий марказларида** ташкил этилишига эътибор қаратсин;

ҳудудларда мавжуд мактабгача таълим ташкилотларининг қуввати ва қамровини ўрганиб чиқсин ҳамда унда яшаётган аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда янги ва фаолият юритаётган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларнинг **қўшимча ўринларга бўлган эҳтиёжини** аниқласин;

2020 йил ва келгуси йилларда битимларнинг фақатгина халқаро молия институтларидан жалб қилинган кредитлар (қарзлар) ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун аввал ажратилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан қайтариладиган асосий қарзлар ҳисобидан **махсус очилган шахсий ғазна ҳисобварағида жамланган маблағлар доирасида** тузилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хусусий шерикларга берилган кредитлар ҳамда мактабгача таълим ташкилотларига ажратилган бюджет субсидиялари мақсадли ва самарали ишлатилиши бўйича доимий мониторингни йўлга қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги "Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3651-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж.А.Кўчқоров — мазкур қарор ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар чорақда улар раҳбарларининг бажарилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В.Шин — шаклланган маблағлар доирасида битимларни ўз вақтида тузиш ва амалга ошириш бўйича барча зарур чораларни кўрсин, хусусий шерикларга имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашсин, тадбиркорлик субъектлари томонидан битим талаблари бажарилиши устидан доимий мониторингни йўлга қўйсин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — мактабгача таълим соҳасида хусусий шерикликни ривожлантиришга қаратилган зарур шарт-шароитларни яратиш, мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан барча чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А.Д.Ҳаджаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори — мазкур қарорнинг мазмунмоҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 январь

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

2019 йил 24 декабрь № 24 Тошкент шаҳри

Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси қабул қилиниши, шунингдек, судлар томонидан маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўришда қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади) 4-моддасига мувофиқ, манфаатдор шахс, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, прокурор, шунингдек, бошқа шахслар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга ваколатли айрим фуқаролар ва давлат органлари маъмурий орган қарорини ҳақиқий эмас ва унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) билан, башарти, бу қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли унинг:

ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган;

(Давоми 3-бетда) ▶

Адолат қарор топди: биз оқландик, ҳуқуқларимиз тикланди

бунинг учун ана шундай эзгу ишларнинг ташаббускори Президентимизга миннатдорчилик билдирамиз

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасини халқимиз катта қизиқиш ва чуқур мамнуният билан қарши олди. Зотан, ушбу тарихий ҳужжатда кейинги йилларда халқимиз эришган ютуқлар теран таҳлил қилинган ва келгусидаги устувор вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Айниқса, Мурожаатномада "судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир. Мен, Президент сифатида, судьяларнинг бундай жасорати ва қатъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман", дея таъкидлангани халқимиз кўнглини тўлқинлантириб юборди.

Таҳририятимизга юртдошларимиздан келаётган кўплаб миннатдорчилик ва шукроналик руҳидаги хатлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

(Давоми 4-бетда) ▶

Хабар

Бизнинг маълумот

2019 йил мобайнида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 188 282 та иш кўриб чиқилди. Мазкур кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 13,3 фоизга камайди.

Ҳисобот даврида 124 миллиард сўмдан зиёд мажбурий тўловлар (вояга етмаган болалар учун алимент, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ёзма битимга асосланган ва қарздор томондан тан олинган талаблар, коммунал хизматлар бўйича қарздорлик тўловлари ва бошқалар) ни ундириш ҳақида 88 655 та суд буйруғи чиқарилди.

Бу кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан сумма бўйича 56,2 фоизга, суд буйруқлари сони бўйича эса, 62,4 фоизга камайди.

Кўриб чиқилган фуқаролик ишлари бўйича 162 327 та ҳал қилув қарорлари чиқарилди. Ушбу қарорлар бўйича талабларнинг 86,2 фоиздан ортиғи қаноатлантирилди.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган даъво тартибидаги 134 893 та фуқаролик ишларидан 37 104 таси никоҳдан ажратиш, 34 742 таси битимлар билан боғлиқ, 2 806 таси оталикни белгилаш, 4 617 таси уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, 3 474 таси ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой ёки қурилмани бузишга оид ва бошқа ишлар ташкил қилади.

Никоҳдан ажратишга доир кўрилган ишлар таҳлилига кўра, кўриб тамомланган 42 350 та ишнинг 22 187 таси бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган (қонуний никоҳлар бекор қилинган), 14 917 таси бўйича даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган (қонуний никоҳлар бекор қилинмаган), 2 327 та даъво бўйича иш юритиш тугатилган ҳамда 2 874 таси кўрмасдан қолдирилган.

71 486 та фуқаролик иши сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Аҳоли билан 9 922 та учрашув ва очиқ мулоқотлар ўтказилди.

Бундан ташқари Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида 1 024 та иш кўриб чиқилди. Биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган 327 та қарор бекор қилинди ва 117 та суд қарорлари ўзгартирилди.

Олий суд матбуот хизмати

Муносабат

Мурожаатномада белгиланган истиқболли устувор вазифалар

бизга юксалишнинг энг оқилона йўлидан бориш имконини беради

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасини тақдим этди. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида янгилик бўлган бундай тадбир илк бор 2017 йил 22 декабрда ўтказилган эди. 2018 йилнинг 28 декабрида эса, иккинчи Мурожаатнома тақдим этилди. Мазкур дастурий маърузалар чуқур мазмун ва катта аҳамиятга эгалиги, барча соҳаларга алоқадорлиги билан халқимизда ва ҳамкор мамлакатлар жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотган.

Бу галги Мурожаатномада ҳам ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар, жорий ва келгуси йилларга мўлжалланган устувор йўналишлар, давлатимиз ички ва ташқи сиёсати учун асосий вазифалар баён этилиб, долзарб қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Шу кунларда Мурожаатнома жойларда кенг жамоатчилигимиз томонидан қизғин ўрганилмоқда.

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари:

— Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги учинчи Мурожаатномасини тақдим этган нуфузли мажлис Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 4 та телерадиоканали, 5 та телеканали ҳамда 12 та ҳудудий телерадиокомпания, шунингдек, 5 та нодавлат телеканал ҳамда Президентнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари, Интернетдаги тегишли сайтлар орқали тўғридан-тўғри намойиш қилинди.

Аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш мақсадида, Мурожаатнома сурдо таржима билан, шунингдек, рус ва инглиз тилидаги таржималари билан эфирга узатилди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда қисқа муддат — атиги 3 йил ичида давлат раҳбарининг парламентга Мурожаатнома тақдим этиш амалиёти энг илғор халқаро тажрибаларга хос ва мос равишда йўлга қўйилганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга тақдим этган навбатдаги Мурожаатномасининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш мумкин.

(Давоми 2-бетда) ▶

Муносабат

Мурожаатномада белгиланган истиқболли устувор вазифалар

бизга юксалишнинг энг оқилона йўлидан бориш имконини беради

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Биринчи хусусияти: ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий воқеанинг аввалгиларидан фарқли жиҳати шундаки, мамлакатимиз раҳбари бу галги Мурожаатномани миллий парламентнинг янгиланган таркибига тақдим этди. Кўшма мажлисда олдинги чақириқ депутатлари ҳам қатнашди.

Иккинчи хусусияти: Мурожаатномада даставвал 2019 йил 22 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига бўлиб ўтган сайловлар ҳақида сўз борди.

Президентимиз мамлакат тарихида илк бор қабул қилинган Сайлов кодекси асосида, "Янги Ўзбекистон — янги сайловлар" шиори остида ўтган бу муҳим сиёсий тадбир жараёнларини холис, ҳаққоний баҳолаб, фуқаролик жамияти қуриш йўлида берган тавсиялари учун халқаро кузатувчиларга бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдирди. Нуфузли халқаро ташкилотларнинг таклиф ва тавсияларидан кейинги сайловларда албатта, фойдаланамиз, деди давлатимиз раҳбари.

Учинчи хусусияти: Мурожаатномада 2019 йил — "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" якунлари сарҳисоб қилинди. Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши бўйича кейинги уч йил давомида амалга оширилган асосий ишлар ҳақида ҳам атрофлича сўз юритилди.

Тўртинчи хусусияти: мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ва вазифалар белгилаб олинди.

Бунгача Мурожаатномада Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосан яқин бир йиллик энг муҳим вазифаларини белгилаш амалиёти қўлланилган.

Дунё тажрибаси билан қиёслаганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этиши тимсолидаги мазкур сиёсий-ҳуқуқий тадбир бу борадаги энг илғор хорижий амалиётга нафақат мос ва мутаносиб, балки намуна бўладиган яхши анъанага айланди, дейишга барча асосларимиз бор.

Президентимиз парламентнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш истиқболлари хусусида ҳам атрофлича тўхталди. Аввало, парламентимиз Ўзбекистон Президентининг халқаро ташаббусларини амалга оширишда фаол иштирок этиши керак.

Давлатимиз раҳбари сўнгги уч йилда турли нуфузли халқаро ташкилотларда қарийб 30 та ташаббус билан чиқди. Жумладан, Президентимиз БМТ даражасида илгари сурган 7 та ташаббус бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари қабул қилинди.

ШҲТ доирасида Ўзбекистон Президентининг 8 та халқаро ташаббуси амалга оширилди. Худди шундай 10 дан зиёд муҳим ташаббуслар ЮНЕСКО, МДҲ, ИҲТ, ТУРКСОЙ, Марказий Осиё минтақаси миқёсида илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат курсини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз.**

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
Бош прокуратура Академияси Маркази бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор:

— Давлатимиз раҳбари 2020 йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном беришни таклиф этгани бежиз эмас. Зеро, шиддат билан ривожланаётган бугунги давр инсонга моддий эҳтиёжларини қондиришдек бирламчи эҳтиёжлар қаторига сув ва ҳаводек зарур — илмни ҳам қўшдики, шу туфайли у ўзлигини англаб, тараққиёт сари дадил қадам қўймоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда илмий кадрлар тайёрлаш тизимини жадал ривожлантириш ва сифатини ошириш, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг муҳим омилига айланди.

Бироқ бугунги кунда замон талабларидан келиб чиқиб, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида, илғор хорижий мамлакатларнинг мазкур соҳадаги амалиётини ҳисобга олган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозимлигини, ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шартлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини чуқур ўрганмай туриб, ушбу соҳани янада такомиллаштириш, таълим — фан — амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш қийин кечади.

Мурожаатномада олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилиши, жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланиши, бу ишлар бошқа йўналишларда ҳам давом эттирилиши таъкидлангани бежиз эмас.

Бундан ташқари давлатимиз раҳбари мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз кераклигини алоҳида таъкидлади. Бинобарин, ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бирйўла тараққий эттира олмайди.

Мурожаатномада биз ҳам ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш тарафдори эканлигимиз, жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилиши, шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш кераклиги таъкидланди.

Шундай қилиб, жорий йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном берилиши тимсолида мамлакатимизда илмий-тадқиқот фаолияти, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг самарадорлигини ошириш, мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ролини янада кучайтириш, шу мақсадда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ҳамда амалиётга жорий этиш устувор вазифа этиб белгилаб берилгани эътиборга сазовордир.

Раҳимқул ТОШБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси:

— Президентимиз ҳар гал Конституция кунига бағишланган анжуманда ва Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтадилар.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки жамият тараққиёти қонун устуворлиги ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бугунги кунда ислоҳотлар самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга, яъни қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, Мурожаатномада суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарурлиги ва судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлиши алоҳида таъкидланди.

Президентимизнинг ушбу фикри мени нафақат суд ҳокимиятининг вакили сифатида, балки жамиятимизнинг оддий аъзоси сифатида ҳам жуда қувонтирди. Сабаби, қайси жамиятда адолат тамойиллари бузилса, одамларда қонун устуворлигига ишончсизлик пайдо бўлса, шу жамият аста-секин таназзулга учраши барчага аён.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур қоидаларни рўёбга чиқариш судьялар зиммасига юклатилган ўта муҳим вазифа — одил судловни оғишмай амалга оширишда ифодаланади.

Суд ҳокимиятининг, судьянинг мустақиллиги эса, одил судловни амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Мамлакатимизда судьяларнинг мустақиллиги асосан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Судлар тўғрисидаги" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги қонунлар билан кафолатланган. Конституциямизнинг 106-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Давлат органлари, бошқа институтлар ва мансабдор шахслар судьяларни мажбурлаш ёки уларни муайян қарорлар чиқаришга оғдириш йўлида босим кўрсатишдан тийилиши керак. Шу маънода Мурожаатномада суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш лозимлиги, иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкинлигини белгилаш юзасидан берилган таклиф судлар мустақиллигини кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бундай ҳолатларга барҳам берилиши судьяларнинг фақатгина қонунга бўйсунган ҳолда, ташқи таъсирларсиз қарорлар чиқаришини таъминлайди.

Бундан ташқари давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифа эканлиги, айниқса, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шартлиги, шу сабабли суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлаганди.

Шунингдек, ушбу маърузада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш борасида ўта муҳим таклиф — келгуси йилдан бошлаб суриштирув ва дастлабки тергов жараёни устидан суд назоратини ўрнатиш, яъни прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартибини жорий этиш таклифи билдирилди.

Аҳамиятли томони шундаки, ушбу таклифларнинг амалга оширилиши келгусида жиноят ишини қўзғатиш босқичидан бошлаб, терговда йўл қўйилган хато ва камчиликларни барвақт аниқлаш ва уларни зудлик билан бартараф этиш, фуқароларни асоссиз айблаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ноқонуний чеклашга йўл қўймасликни кафолатлайди.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлатимиз раҳбари миллий парламентга учинчи маротаба Мурожаатнома билан чиқаётган бўлса-да, янги таркибдаги парламент учун бу биринчи ҳамда тарихий Мурожаатнома бўлди. Мурожаатномада нафақат 2020 йилда, балки келгуси 5 йилда мамлакатимизни ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ва вазифалар белгилаб берилди.

Яқинда ўтган сайловлар давомида халқимиз томонидан бир қатор долзарб масалалар кўтарилди. Депутатлар сайловлардан сўнг уларни ҳал этишга қатъий киришмаса, сайловчилар олдида ишончни йўқотиб қўяди.

Шу сабабли давлатимиз раҳбари депутатларга мурожаат қилиб, сайловолди учрашувларида аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ҳамда уларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тўлиқ амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Айни пайтда Қонунчилик палатасининг ҳар бир депутати мазкур масала устида ишлаб, сайловчиларнинг розилигини таъминлаш учун ўз вазифаларини белгилаб олмоқда.

Мурожаатномада белгиланганидек, тадбиркорлик соҳасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят турларини жиноят тоифасидан чиқариш сиёсати изчил давом эттирилади. Жумладан, сохта тадбиркорлик, рақобатчининг обрўсини тушириш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарлик бекор қилинади.

Шунингдек, божхона қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган, лекин тўловларни тўлаган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш белгиланди. Демак, парламент, хусусан, Қонунчилик палатаси депутатлари олдида бу борада амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш вазифаси турибди.

Яна бир масала: амалиётда айнан бир тадбиркорлик субъекти аъзолари томонидан жиноят содир этилса, уни "жиноий уюшма" томонидан содир этилган жиноят сифатида квалификация қилинарди. Ваҳоланки, бундай тадбиркорлар айнан жиноят содир этиш учун бирлашмайдилар, балки ўзларининг тадбиркорлик мақсадлари нуқтаи назаридан уюшадилар.

Мурожаатномада ушбу "ҳуқуқий муаммо"нинг ижобий ечими ҳам кўрсатиб ўтилди. Хусусан, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти аъзоларига "жиноий уюшма" деган айблов қўйиб, уларга оғир жазо тайинлаш каби тартибни бекор қилиш таклиф этилди.

Маълумки, халқ томонидан шакллантирилган вакиллик органи сифатида парламент бугунги кунда ижро ҳокимияти устидан назорат ўрнатиб келмоқда. Ҳукумат раҳбаридан бошлаб, барча ҳукумат аъзолари ва вилоят ҳокимлари ҳам парламентга ҳисобот беради.

Бироқ маҳаллий вакиллик органларида-чи? Нега вилоят ва туманлардаги раҳбарлар ўз фаолияти ҳақида маҳаллий Кенгашларга ҳисобот бермаслиги керак?

Шу сабабли, Президентимиз вилоят ва туман ҳокимлари ўз дастурлари ва уларнинг ижроси тўғрисида вилоят Кенгашларида ҳисобот берадиган тизимни жорий қилишни таъкидлади. Эндиликда қуйи маҳаллий вакиллик органлари ҳам худди парламент сўрови каби назорат шаклидан фойдаланади, аниқроғи, Кенгаш сўрови институти жорий этилади. Бу, ўз навбатида, жойларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқчиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, Мурожаатномада парламент томонидан Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижро, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни янгидан қабул қилиши таклифи илгари сурилди. Бунда биз, парламент аъзолари, аввало, тергов ва суд амалиётига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор стандартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Ўзбекистон 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилгани коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди. 2017 йилда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши куч ва имкониятларини бирлаштириб, яхлит тизимни яратиш имконини берди.

Бироқ Мурожаатномада қайд этилганидек, тадбиркорлар ҳанузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божхона, банк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч келмоқда. Коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтиш ҳамда ана шу вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида, парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида органни ташкил этиш таклиф этилди.

Умуман олганда, Мурожаатнома парламент аъзоларининг сайловчилар олдидаги масъулиятини ошириш, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга муносиб вакил бўлиб хизмат қилишлари учун муҳим дастуриламалдир.

Хусан ТУРСУНОВ,
Қарши туманлараро иқтисодий судининг судьяси:

— Давлат раҳбарининг Мурожаатномадаги: **"оқлов ҳукмлари чиқарилаётгани судларнинг мустақиллиги, судьяларнинг қатъияти натижасидир, судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади, суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак, судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир, мен Президент сифатида судьяларнинг бундай жасорати ва қатъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман"**, деган эътироф ва ишонч тўла фикрлари биз, судьяларга катта руҳий мадад бўлди.

Бундай юксак баҳо ва натижага ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Авваламбор, бу шахсан давлатимиз раҳбарининг бевосита саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан охирги уч йилда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган изчил ислоҳотлар самарасидир.

Шу боис, судга мурожаат қилаётган тадбиркорлар ва фуқароларнинг ишончи тобора ортиб бормоқда.

Суд қарорларининг сифати ва барқарорлиги сезиларли даражада ошмоқда, суд муҳокамаларида ошкоралик ва шаффофлик таъминланмоқда, холис ва объектив ўтказилмаган солиқ текширувлари тадбиркорлар фойдасига ҳал этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодий низоларни кўриб чиқишда тадбиркорлик фаолияти устуворлиги таъминланмоқда. Энг муҳими, бугун суд тизимида дунёқараши кенг, замонавий чуқур билим ва тажрибага эга, юксак маънавиятли, адолат йўлида содиқ турадиган янги авлод судьялар корпуси шакланмоқда.

Табиийки, Президентимиз ва халқимизнинг бундай юксак ишончи ва эътирофи қонун устуворлигини таъминлаш ва адолат йўлида катта масъулият ва қатъият билан тинимсиз меҳнат қилишимизни талаб этади. Айниқса, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига йўл қўймасликда, энг аввало, биз собитқадамлик билан муросасиз бўлишимиз лозим.

Бунда судьялик қасамёдига ҳар дақиқа ва ҳар қадамда содиқ қолишимиз, "ҳалоллик вакцинаси"ни ич-ичимизга сингдиришимизда, давлат раҳбари томонидан Мурожаатномада белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширишда бор куч-ғайратимизни халқимизни суд идораларидан рози бўлишига эришиш йўлида сарфлашимиз ва бу борада биринчилар қаторида ташаббускор бўлишимиз талаб этилади.

Замира ЭСОНОВА,
юридик фанлар доктори, профессор:

— Мурожаатномада белгилаб берилган дастуриламал ғоялар ва муҳим вазифалар ҳаётимизнинг барча соҳалари, жумладан, илм-фанни изчил ривожлантириш йўлидаги ишларимизга кучли ижобий туртки беради.

Чунки айни кунларда олдимизда юридик фанни ривожлантириш, унинг илмий асосларини кучайтириш, юридик фанларни такомиллаштиришга доир концепцияни яратиш, назария ва амалиёт бирлигини уйғунлаштириш, илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш орқали илмий асосланган хулосалар бериш, ўқув ва илмий ишланмалар яратиш, ислоҳотларга ҳамоҳанг, давлатимиз ва жамиятимизга фойда келтирадиган стратегик, узоқни кўра оладиган ғоялар яратиш вазифалари қўйилган.

Ҳозирги вақтда юртимизда илм-фанни ривожлантириш, тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш, илмий фаолият натижадорлигини ошириш, иқтидорли талабалар илмий изланишлар олиб бориши учун зарур шароитлар яратилган.

Энг асосийси, ушбу соҳада таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш, ўқув дастурларининг ишлаб чиқариш билан ҳамоҳанглигини таъминлаш ва профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ишларига янгича ёндашувлар кузатилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасининг барча бўғинлари — мактабгача таълим, мактаб таълими, ўрта махсус ва олий таълим тизимларини такомиллаштириш, янги муассасалар бунёд этиш ва мавжудларини қайта таъмирлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ёшлар камолотида ўз самарасини бермоқда.

Илм-маърифат деганда, аввало, таълим олиш ва таълим бериш, илмий-тадқиқотлар ўтказиш, устозшогирд анъаналарини йўлга қўйиш, маърифатли бўлиш ва маърифатли бўлишга ундаш, ана шу илм-маърифат билан эл-юрт корига яраш, давлат ва жамият ишига улуш қўшиш билан боғлиқ фидокорона фаолият тушунилади.

Тарихдан маълумки, барча замонларда илм орқали амалиёт, соҳа, тармоқ ривожланган, чунки концепциялар, ғоялар, стратегик аҳамиятга эга вазифалар, аввало, илм-фанда вужудга келган, кейин амалиётга жорий этилган.

Илмий таклиф ва хулосаларга ҳамма жойда ва ҳамма даврда таянилган, асосий устқурма (базис) сифатида эътироф этилган. Чунки илмдаги таклифлар илмий асосланганлиги билан эътиборга молик бўлган.

Президентимиз таъкидлаганидек, энг муҳими, ислоҳотларимиз самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ўз ҳаётида ҳис этиши керак. Мурожаатномада белгиланган устувор мақсад ва вазифалар эса, бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини бермоқда.

Давра суҳбатини Ғ. Мирзо ва Б. Райимов тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

ҳуқуқлари, эркинликларини амалга ошириш ва қонуний манфаатларини амалга оширишда тўсқинлик яратилган;

зиммасига қонунга хилоф равишда бирор-бир мажбурият юклатилган;

у ёки бу соҳадаги фаолиятини амалга ошириш учун бошқа тўсқинлик яратилган деб ҳисобласа, судга мурожаат қилишга ҳақли.

2. Маъмурий органлар деганда, давлат бошқаруви органлари (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатида кўрсатилган вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, марказлар, инспекциялар) ва уларнинг ҳудудий органлари, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, маъмурий-бошқарув ваколати берилган бошқа ташкилотлар ва махсус ташкил этилган комиссиялар тушунилади.

3. Маъмурий органлар мансабдор шахслари деганда, ҳокимият вакили вазифасини бажарадиган ёхуд мазкур органларда маъмурий-бошқарув (ташкилий-фармойиш бериш) вазифасини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар тушунилади.

4. Манфаатдор шахс деганда, маъмурий органнинг қарори ёки унинг мансабдор шахси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қаратилган фуқаро ёки юридик шахс ёхуд бундай қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл этган бошқа шахс тушунилади.

5. Қарор деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан якка ёки коллегиал тарзда қабул қилинган ва муайян ҳуқуқий оқибат туғдирувчи ҳужжат тушунилади.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қарорлар белгиланган шаклда (масалан, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари қарорлари) ёки эркин тарзда (масалан, фуқаронинг мурожаатини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ёзма хабар) қабул қилиниши мумкин.

6. Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари деганда, қарор шаклида ифодаланмаган бўлса ҳам, бироқ манфаатдор шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келган ёки уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилган юридик аҳамиятга эга фармойишлар тушунилади.

Ҳаракатсизлик деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар (лавозим йўриқномалари, низомлар, регламентлар, буйруқлар) билан юклатилган мажбуриятни бажармаслик тушунилади.

7. Судларга тушунтирилсинки, қонун ҳужжатларига кўра текширилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мутлақ ваколатига кирадиган давлат органлари қарорлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида устидан судга шикоят беришнинг бошқача тартиби назарда тутилган қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) МСИЮтК 23-бобида белгиланган тартибда кўриб чиқилмайди.

Хусусан, маъмурий органлар мансабдор шахсларининг жиноят иши ёхуд маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан, тегишлича, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда шикоят қилинади.

Шу билан бирга, судлар шуни назарда тутиши лозимки, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари мансабдор шахсларининг ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақидаги қарорлари ва ҳаракатлари МСИЮтК 23-бобида назарда тутилган тартибда низолашилиши мумкин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал килинадиган масалалар бундан мустасно.

8. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, маъмурий органларнинг қуйидагилар билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоятлар МСИЮтК 23-бобида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади:

бино, иншоот ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, фойдаланишга топшириш, фойдаланиш ва бузишга келишиш ва рухсат бериш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентлар);

жамоат бирлашмалари, шу жумладан, сиёсий партиялар, диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек, давлат органининг белгиланган муддатда бундай рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши ("Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12-моддасининг учинчи қисми, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг учинчи қисми, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12-моддасининг учинчи қисми, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддаси);

оммавий ахборот воситасини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёки давлат органининг белгиланган муддатда уни рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши, оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш, оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ("Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-24-моддалари);

фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш ("Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси).

9. Давлат ижрочисининг қарори, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан МСИЮтК 23-бобида назарда тутилган тартибда шикоят қилинади, иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича чиқарилган қарорлар бундан мустасно ("Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 86[1]-моддасининг биринчи қисми).

10. Судларга тушунтирилсинки, ҳарбий бошқарув органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар чақирув комиссияларининг қарорлари устидан шикоятлар ҳарбий судлар томонидан кўрилади ("Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддаси, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 20-моддасининг тўққизинчи қисми).

11. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, маъмурий органнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида бўлинмаси ёки мансабдор шахсга нисбатан талаб қўйилганда, суд МСИЮтК 42-моддаси қоидаларига риоя қилган ҳолда, иш бўйича жавобгар сифатида тегишли органни жалб этиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши керак.

Судга махсус комиссиянинг қарори устидан шикоят қилинганида, иш бўйича жавобгар сифатида махсус комиссиянинг ишчи органи бўлган давлат органи жалб этилиши лозим.

Агар иш ҳал қилингунга қадар маъмурий орган қайта ташкил этилган ёхуд тугатилган бўлса, суд унинг ҳуқуқий ворисини ёки аризачининг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш ваколатига эга бўлган органни ишда иштирок этишга жалб қилади.

Агар иш кўриб чиқилаётган вақтга келиб қарори ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) шикоят қилинаётган шахс мансабдор шахс бўлмай қолган бўлса, суд ушбу мансабни эгаллаб турган шахсни ёхуд аризачининг бузилган ҳуқуқлар ва эркинликларини тиклаш ваколатига эга тегишли органни ишда иштирок этиш учун жалб этиш масаласини ҳал қилади.

12. Аризачи ариза (шикоят) билан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи орган ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли. Юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга дастлаб мурожаат қилмаслик, аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этиш учун асос бўлмайди.

Шу билан бирга, шуни назарда тутиш лозимки, қонун ҳужжатларида айрим қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан мажбурий равишда судгача низолашиш тартиби назарда тутилиши мумкин.

13. Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахслари қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) низолашилаётган орган жойлашган ёхуд мансабдор шахс ишлайдиган жойдаги туман (шаҳар) маъмурий судига берилади.

Турли жойларда бўлган бир нечта жавобгарга нисбатан талаб қўйилганда, ариза (шикоят) аризачининг танлови бўйича жавобгарлардан бири жойлашган жойдаги судга тақдим этилади.

Агар маъмурий орган жойлашган жой унинг ваколати амалга ошириладиган ҳудудга тўғри келмаса, ариза ўша орган ўз мажбуриятларини бажараётган жойда фаолият кўрсатаётган судга берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанция суди сифатида қонун билан унинг ваколатига киритилган ишларни кўриб чиқади.

14. Қарорни ҳақиқий эмас деб топиш, ҳаракатни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) МСИЮтК 128, 187-моддаларига мувофиқ расмийлаштирилиши ҳамда қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланган бўлиши лозим.

Ариза (шикоят) шакли ва мазмунига нисбатан МСИЮтК 187-моддасида белгиланган талабларни инобатга олиб, унда жумладан, қуйидагилар кўрсатилиши керак:

қандай қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) устидан шикоят қилинаётганлиги;

маъмурий органнинг номи;

мансабдор шахснинг фамилияси ва исм-шарифининг бош ҳарфлари;

қарорнинг реквизитлари;

аризачининг аниқ қандай ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги;

аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) қайси қонун ҳужжатига зид эканлиги;

шунга ўхшаш шикоят буйсунув тартибида юқори турувчи орган

ёки мансабдор шахсга берилган-берилмаганлиги ва агар берилган бўлса, қандай жавоб олинганлиги.

15. Аризага (шикоятга) МСИЮтК 130-моддасида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек, низолашилаётган қарор нусхаси илова қилинади.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, МСИЮтК 134-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, аризага қарорни илова қилмаслик аризани қайтаришга асос бўлмайди. Суд низолашилаётган қарорни аризачининг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан маъмурий органдан талаб қилиб олишга ҳақли.

16. МСИЮтК 92-моддасига кўра, суд аризачининг ёки манфаати борасида ариза берилган шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг аниқ хавфи мавжуд бўлса ва бундай чораларни кўрмай туриб, уларни ҳимоя қилиш мумкин бўлмаган ёхуд қийин бўлган ҳолларда дастлабки ҳимоя чораларини кўришга ҳақли.

Агар низолашилган қарор ижросининг мажбурий тўхтатиб турилиши қонунда назарда тутилган бўлса (масалан, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 19-моддасининг учинчи қисми, "Рақобат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддаси), судья аризачи судга мурожаат қилганлиги муносабати билан низолашилаётган қарорнинг бажарилиши маъмурий орган ёки мансабдор шахс томонидан тўхтатилган-тўхтатилмаганлигини текшириши шарт. Агар бу амалга оширилмаган бўлса, суд суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунига қадар мазкур қарорнинг ҳаракатини тўхтатиб туриш ҳақида ажрим чиқариши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, қонунда назарда тутилган ҳолларда маъмурий орган мансабдор шахсининг фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ва аҳоли ҳаёти ва соғлиғига реал хавф соладиган бошқа ҳолатларнинг олдини олиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатларини тўхтатиб туришга йўл қўйилмайди.

17. МСИЮтК 67-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, мазкур тоифага оид ишлар бўйича низолашилаётган қарорнинг, ҳаракатнинг (ҳаракатсизликнинг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти ҳужжатни қабул қилган ёки низолашилаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган орган ёки мансабдор шахс зиммасига юклатилади.

Ишни тўғри ҳал қилиш мақсадида, суд ўз ташаббуси билан далилларни талаб қилиб олишга ҳақли. Суднинг ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги талабини бажармаганлиги учун тегишли орган мансабдор шахси суд томонидан жаримага тортилиши мумкин (МСИЮтК 122-моддаси).

18. Шуни назарда тутиш лозимки, маъмурий органлар ва улар мансабдор шахслари қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш тўғрисидаги ишларни кўришда, суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг даъво муддати тўғрисидаги нормаларини қўллашга ҳақли эмас ва фақат МСИЮтК ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларда назарда тутилган муддатларгагина асосланиши керак.

19. Аризанинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларни ўтказиб берилиши уни қайтариш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолларда ариза иш юритишга қабул қилиниб, мазмунан кўриб чиқилиши лозим.

Суд ҳар бир иш бўйича аризачи томонидан қонун билан белгиланган судга мурожаат қилиш муддатларига риоя қилинганлигини аниқлаши, мазкур муддатлар бузилганда эса, манфаатдор шахс ушбу ҳолатга эътибор қаратганлигидан қатъи назар, уларнинг ўтказиб юборилиши сабабларини муҳокама қилиши лозим.

Судга мурожаат қилиш муддати аризачига қуйидагилар маълум бўлган куннинг эртасидан бошланади:

унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги;

унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишга тўсиқлар вужудга келтирилганлиги;

унинг зиммасига бирор-бир мажбурият юкланганлиги.

Судга мурожаат қилиш муддатига риоя қилиниши масаласи ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга ҳолат эканлиги сабабли, уни тиклаш ёки тиклашни рад этиш тўғрисидаги хулосалар, МСИЮтК 156-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, суднинг ҳал қилув қарорида асослантирилиши лозим.

Агар судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилган ёки ўтказиб юборилган муддатни тиклаш суд томонидан рад этилган бўлса, аризани қаноатлантириш рад қилинади.

20. Ишни мазмунан кўриб чиқишда, суд аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни, хусусан, қуйидагиларни синчковлик билан текшириши лозим:

маъмурий орган, мансабдор шахс қарор қабул қилиш ёки ҳаракатни амалга ошириш ваколатига эга ёки эга эмаслигини. Қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга кўра, қарор қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик маъмурий орган ёки мансабдор шахс ихтиёрига берилган ҳолда, суд бундай қарор қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик мақсадга мувофиқлигини баҳолашга ҳақли эмас (масалан, муайян шахсни мукофотлаш тўғрисида ҳужжат қабул қилмаганликда ифодаланган ҳаракатсизлик устидан шикоят қилинганда);

маъмурий орган ёки мансабдор шахс томонидан қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя этилган-этилмаганлигини, башарти, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бундай талаблар (шакл, муддатлар, асослар, тартиб-тамойил ва ҳ.к.) белгиланган бўлса. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя қилмаслик, фақат, башарти, бу ҳолат унинг қонунийлигига таъсир қилган ҳолдагина, аризани (шикоятни) қаноатлантириш учун асос бўлиши мумкин;

низолашилаётган қарор, содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) мазмуни мазкур ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос келиш-келмаслигини.

Қабул қилинган қарорлар, содир этилган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) ноқонунийлиги ҳақида далолат берувчи юқорида кўрсатилган ҳолатларнинг ҳеч бўлмаганда биттасининг мавжудлиги аризани (шикоятни) қаноатлантиришга асос бўлиши мумкин.

21. МСИЮтК 189-моддасига мувофиқ, суд низолашилаётган қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ва аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, маъмурий орган, унинг мансабдор шахси қарорини тўлиқ ёки муайян қисмини ҳақиқий эмас, ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Аризани (шикоятни) қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилишда, суд арз қилинган талаблар доирасидан четга чиқишга ҳақли эмас. Масалан, ёзма мурожаатни мансабдор шахс томонидан белгиланган муддатда кўрилмаганлигида ифодаланган ҳаракатсизлик устидан шикоят қилинганда, суд мазкур мансабдор шахснинг ҳаракатсизлигини қонунга хилоф деб топиши ва қандай қарор қабул қилиниши кераклиги ҳақидаги масалани олдиндан ҳал этмасдан, унга суд томонидан белгиланган муддатда аризачининг мурожаатини кўриб чиқиш мажбуриятини юклаши лозим.

22. Иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилишда, суд МСИЮтК 189-моддасида мавжуд хусусиятларни инобатга олган ҳолда МСИЮтК 19-бобида назарда тутилган умумий қоидаларга амал қилиши лозим.

23. Ариза (шикоят) қаноатлантирилганда, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

низолашилаётган қарорни қабул қилган ёки ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг (мансабдор шахснинг) номи, қарорнинг номи, рақами, қабул қилинган санаси;

қарор тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилганлиги ва зарур ҳолларда, аризачининг ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ ҳажмда тиклаш ёки уларни амалга оширишдаги тўсқинликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўрилганлиги;

ҳаракат (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилганлиги ва маъмурий орган ёки мансабдор шахсга аризачига нисбатан аниқ ҳаракатларни амалга ошириш мажбурияти юклатилганлиги.

Ҳал қилув қарорида суд ишнинг хусусияти ва амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни инобатга олган ҳолда аризачининг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишини тўлиқ ҳажмда бартараф этиш учун тегишли муддат белгилаши лозим (МСИЮтК 189-моддасининг бешинчи қисми).

24. Қонунда маъмурий органлар, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш ҳақидаги ишлар бўйича суд харажатларига нисбатан қандайдир истисналар белгиланмаганлиги сабабли, иш бўйича қилинган суд ҳужжатлари масаласи суд томонидан МСИЮтК 12-бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳал этилади.

25. Судларга тушунтирилсинки, МСИЮтК 276-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, қарорни ҳақиқий эмас ёки ҳаракатни қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги суд ҳужжатининг ижроси маъмурий органга юборилиадиган суднинг ҳал қилув қарори (қарори) асосида амалга оширилиб, унда йўл қўйилган қонун бузилишини бартараф этиш учун муддат кўрсатилиши лозим.

Пул маблағларини, шу жумладан, суд харажатларини ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг мажбурий ижроси юзасидан ижро варақаси берилади.

Судлар ҳал қилув қарорининг ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириши ва унинг ижроси тўғрисида маълумот мавжуд бўлмаганда, ахборот талаб қилиб олиши лозим.

26. Агар ишни кўришда маъмурий органлар ёки мансабдор шахслар фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланса, суд бунга нисбатан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдириши лозим.

27. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида"ги 18-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси **К.КАМИЛОВ**

Пленум котиби, Олий суд судьяси **И. АЛИМОВ**

Жиноятга жазо муқаррар

Чап чўнтаги ўйлаган банкир

қилмишлари учун қонун олдида жавоб берди

Ҳаётда рўй берадиган ҳар қандай жиноий қилмиш, кун келиб, бир кун албатта, ошкор бўлиши ва унга қўл урганлар қонун олдида жавоб бериши муқаррар экани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Қуйида баён этиладиган воқеа ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ўтган йил "Қишлоққурилишбанк"нинг Хива тумани филиали мутасаддиларининг баъзи сирли "қадам"ларию ажабтовур хатти-ҳаракатлари наинки тегишли назорат ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки оддий фуқароларнинг ҳам эътиборини ўзига тортди. Шикоят, эътироз, норозиликлар ҳам орага ўрлади. Шамол эсмаса, дарахтнинг учи тебранармиди?! Ҳарқалай, шубҳа-гумонлар ортидаги ҳақиқат тезда юзага қалқиб чиқди. Тергов органи дастлабки назорат-тафтиш ва суриштирув тадбирлари натижасидан келиб чиқиб, ушбу банк муассасаси мутасаддилари ва уларга ҳамтовоқ бир гуруҳ шахсларни қонуний жавобгарликка тортди.

Айтиш керакки, 1985 йили туғилган ёш мутахассис Абдулла Абдуллаев ва унинг эндигина 30 ёшни қаршилаган ўринбосари Алишер Панаев, бир неча йил муқаддам ишонч билдирилиб, ушбу банк муассасаси раҳбарлигига тайинланганда, умрини шу ишга бағишлаган устозлар, катта авлод вакиллари анъаналарига кўра, зиммасидаги вазифани ҳалол адо этиш ўзлари учун ҳам бурч, ҳам мажбурият, ҳам фарз ва қарз эканини ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмади. Аксинча, бир гуруҳ гумашталари "кўмаги"да нисбатан қисқа муддатда қиймати бир миллиард сўмдан зиёд миқдордаги суъиистеъмолликлар, растрата ва талон-торожликларни содир этишди. Аён бўлишича, банк маблағини талон-торож қилишга қаратилган дастлабки тадбирга бевосита бошлиқ муовини А.Панаев бош-қош бўлган. Унинг бу борадаги "ҳожатбарорлиги" боис А.Абдуллаевнинг яқин қариндоши И.Бекчоновга қарашли "Амирбек Нурбек" масъулияти чекланган жамиятига, гарчи у лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқармаса-да, "шу йўналишдаги фаолиятини кенгайтириш учун" уч йил муддатга нақд 140 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағи жўнгина ажратиб берилган. Банк томонидан ажратилган кредит учун номигагина мавжуд бўлган, буткул яроқсиз ҳолдаги эски ғишт заводи гаровга қўйилган. Буниси ҳали ҳолва. Нега деганда, ажратилган маблағ кредит шартномасида белгиланганидек, лак-бўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ускуна ва дастгоҳлар сотиб олиш, бинобарин, бу борада фаолият кўламини кенгайтиришга эмас, балки "Амирбек Нурбек" корхонасининг муқаддам банкдан олган 137,8 миллион сўм миқдоридаги қарзини қоплаш учун йўналтирилганига нима дейсиз?! Албатта, қонун бундай "ғирром ўйин"ларни асло кечирмайди. Алқисса, зикр этилган пул ювиш "ўйини"да салкам 35 йиллик умри мобайнида 4 марта судланишга "улгурган" ҳазорасплик Дилшод Йўлдошевнинг хизмати янада "самарали" бўлди. А.Абдуллаевнинг яқин қариндоши И.Бекчонов бошқараётган корхонага ажратилган мўмай миқдордаги кредит маблағи пировардида лак-бўёқ дастгоҳини сотиб олиш учун Д.Йўлдошев норасмий равишда раҳбарлик қилаётган "Урганч махсус маҳсулот савдо" масъулияти чекланган жамияти ҳисобига ими-жимида ўтказиб берилди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Адолат қарор топди: биз оқландик, ҳуқуқларимиз тикланди

бунинг учун ана шундай эзгу ишларнинг ташаббускори Президентимизга миннатдорчилик билдирамиз

◀ (Бошланиши 1-бетда)

* * *

Мен ҳам кўпчилик қатори Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасини зўр ҳаяжон билан тингладим. Чунки бу Мурожаатноманинг ҳар бир сатри эзгуликка йўғрилган. Айниқса, давлатимиз раҳбари сўнгги 3 йилда 1989 нафар, 2019 йилнинг ўзида эса, 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганини таъкидлаганда, беихтиёр тўлқинланиб кетдим. Негаки, оқланиб, юзи ёруғ бўлган инсонлар орасида мен ҳам борман-да.

Менинг касбим — ўқитувчи, 1973 йилдан 2005 йилгача ёшларга сабоқ бердим. 1994 йилда тумандаги 27-умумтаълим мактабида илмий бўлим мудири вазифасида фаолият юритган вақтимда мактабимизнинг салоҳиятли ўқитувчилари ойлик маош кам бўлгани сабабли ишдан бўшаб кетиш ниятига тушишганди. Шундан сўнг, бунинг олдини олиш мақсадида, 84 кишилик жамоамиз номидан ойлик маошни оширишни сўраб, юқори идораларга мурожаат йўлладик. Аммо муаммо ҳал бўлиш ўрнига менга нисбатан тазйиқлар бошланди. 1994 йил 15 август куни хонадонимизга вилоят ва туман ИИБ ходимлари жамоатчилик вакиллари билан келиб, тинтув ўтказишди. Улар менга чет элда ишлаб чиқарилган ёзув машинкасида варақалар тайёрлаб, тарқатаётганимни айтишди. Бу гапни эшитиб, табиийки, ҳайратдан ёқа ушладим. Шу боис, ўзимга нисбатан қўйилган айбловни бутунлай инкор этдим. Қолаверса, текширувчилардан прокурор санкцияси бор-йўқлигини сўрадим. Бироқ улар "ўзимиз қонун, ўзимиз санкциямиз" дея тинтув ўтказишди. Ертўла, барча хоналар, жавону сандиқлар, кийим-кечак ва кўрпа-тўшакларнинг барини титкилашди. Лекин улар айтганидек, ёзув машинкаси ҳам, варақалар ҳам топилмади. Ахир, бундай иш билан шуғулланмаган бўлсам, улар қаердан ҳам топиларди?! Аммо тинтув якунланай деганда, уйимиздаги диваннинг ёстиғи остидан бир дона ўқ отар қуроли, шунингдек, дераза токчасидан 41 грамм кўкнори бошоқларини "топиб" олишди. Ўшанда мен буларнинг ўзимга мутлақо алоқаси йўқ эканини айтдим. "Ишонмасаларинг, улардан бармоқ изларини олинглар", дедим. Ўша пайтда менинг ўта куйинчаклик билан айтган гапларимни, илтижоларимни ҳеч ким эшитмади, аксинча, дарҳол жиноятчи сифатида қамоққа олишди.

Шундан сўнг қамоқда 3 ойдан кўпроқ ўтириб, соғлиғим ёмонлашди. Қолаверса, оила аъзоларимнинг тинчлигини ўйлаб, тазйиқ остида гиёҳвандлик воситасини уйимда сақлаганим ҳақидаги сохта айбловга "қисман иқрор" бўлиб, тегишли ҳужжатларга имзо чекдим. Бинобарин, тергов-суриштирув жараёнлари якунлангач, жиноят ишим Бағдод туман судида кўриб чиқилди. Натижада суднинг 1994 йил 20 декабрдаги ҳукмига биноан, Жиноят кодексининг (1959 йил таҳриридаги) 210-моддаси 1-қисми, 216[6]-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этилдим. Бироқ суд шу кодекснинг 23[2]-моддасини қўллаб, мени суд залидан озод қилди ва мажбурий меҳнатга жалб этилдим.

Албатта, юз берган ноҳақлик йиллар ўтса-да, менга сира тинчлик бермади. Бундан 3 йил аввал давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширила бошлангач, кўнглимда умид пайдо бўлди. Шунинг учун жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига кассация шикояти билан мурожаат қилдим.

Ушбу жиноят ишини кассация инстанциясида кўриш жараёнида дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аён бўлди.

Бинобарин, жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди Бағдод туман судининг 1994 йил 20 декабрдаги ҳукмини бекор қилиб, мени айбсиз деб топиб, оқлади. Ҳатто судда иштирок этган прокурор тергов органининг ноҳақлиги учун мендан кечирим ҳам сўради. Ишонасизми, ўша пайтда кўзимдан севинч ёшлари қуйилиб кела бошлади...

Шуни мамнуният билан эътироф этмоқчиманки, мен каби муқаддам ноҳақ судланган шахсларнинг оқланиб, юзи ёруғ бўлаётгани давлатимиз раҳбарининг ижтимоий адолатга ва маънавий эзгуликка йўғрилган ташаббусларининг бевосита самарасидир.

Турсунхўжа АБДУРАҲМОНОВ,
меҳнат фахрийси, "Нуроний" жамғармаси Риштон туман бўлими раиси

* * *

Мен Президентимизнинг Мурожаатномасини юрагим тўлқинланиб тингладим. Ўтган умрим, бошимдан кечирган воқеалар бир-бир кўз ўнгимдан ўтди. Очиғини айтсам, Президентимизнинг қатъий саъй-ҳаракатлари билан жамиятда қарор топаётган адолат нурлари менинг ҳам ҳаётимни ёритиб юборди.

Гап шундаки, мен 2012 йилда Жиноят кодексининг 210-моддаси "а, г" бандларида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланиб, Шовот тумани судининг ҳукмига асосан, 5 йил муддатга озодликдан ва 2 йил моддий ва мансабдор лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилгандим.

Аммо мен бундай жиноий қилмишга қўл урмаганман. Шунинг учун тергов даврида ҳам, судда ҳам ўзимга нисбатан қўйилган айбни рад қилиб келганман. Аммо ўшанда менинг важларимга ҳеч ким қулоқ солмаган, дардим ичимда, айбсиз айбдорга айланиб қолганман. Мен адолатсизлик одамга қанчалик оғир таъсир қилишини, қаддини букиб қўйишини ўз бошимдан кечирганман. Лекин юрагимда адолатни қарор топтиришга бўлган интилиш ҳеч қачон сўнмади. Шу боис, юқори идораларга қайта-қайта мурожаат қилдим.

Фақат Президентимизнинг бевосита саъй-ҳаракати билан ҳаётимизда туб ўзгаришлар бошлангач, адолатни қарор топтиришга бўлган ишончим янада ортди.

Ниҳоят, менинг Ўзбекистон Республикаси Олий судига ёзган аризамга асосан, ўзимга тегишли жиноят иши жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди томонидан адолатли тарзда кўриб чиқилди. Суд жараёнида менинг айбсизлигим тўлиқ ўз исботини топди ва оқлов ҳукми чиқарилди. Ниҳоят, мен оқландим. Ўша пайтдаги ҳолатимни сира таърифлаб беролмайман, азбаройи қувонганимдан йиғлаб юбордим.

Адолатнинг қарор топиши билан маҳалла-кўй, қариндош-уруғ, таниш-билишлар олдида менинг ҳам, оиламнинг ҳам — ҳаммамизнинг юзимиз ёруғ бўлди.

Оиламизга ана шундай саодатни ҳадя этган, барча эзгу ишларнинг ташаббускори Президентимизга чексиз миннатдорчилик билдиришни ўз бурчим деб биламан.

Жаҳонгир ҲАЛИМОВ,
Хоразм вилояти, Шовот тумани, Хуррият маҳалласи, Тараққиёт кўчаси

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Жиноятга жазо муқаррар

Чап чўнтагини ўйлаган банкир

қилмишлари учун қонун олдида жавоб берди

Таассуфки, корхонага тортиқ қилинган ушбу маблағ эвазига дастгоҳ эмас, балки ушбу матоҳ харид қилинганини тасдиқловчи сохта ҳужжатларгина қайтарилди, холос. Кредит пули эса, ўқдирилганидек, банк мутасаддиси яқин қариндошининг хусусий корхонаси қарзини қоплашга йўналтирилди.

Буни қоронғуда тил топишган ҳамтовоқларнинг пул ўзлаштириш, ноқонуний равишда мол-дунё орттиришга қаратилган "хурмача қилиғи"дан бир чимдим, десак, ўринли бўлади. Негаки, бу жиноят занжири ниҳоятда узундир.

Жиноий кирдикорларнинг кейинги палласида банк раҳбари А.Абдуллаев ва "Хива Нафис Нур" масъулияти чекланган жамияти мутасаддиси Боғибек Абдушарипов бир-бирининг кўнглига осонгина йўл топишди. Бошқа бир тадбиркор — "Хива Маркс инвест" хусусий корхонаси раҳбари Ш.Мадримовага 100 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилгани икковлон учун айни муддао бўлди. А.Абдуллаев ўзини тадбиркор аёлнинг ишончли ҳомийси ва мададкори сифатида кўрсатганча унинг ҳузурида пайдо бўлди. Унга банкдан олган 100 миллион сўм пулни беистиҳола Б.Абдушарипов бошлиқ корхона ҳисоб рақамига ўтказиб беришни, ушбу маблағ эвазига қурилиш ишларида қўлланиладиган "шпаклёвка" маҳсулоти ва уни ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳ сотиб олишга кўмаклашишни ваъда қилди. Коса остида нимкоса борлигини пайқамаган тадбиркор аёл кимсан, банк раҳбарининг шахсан ўзи ўртага ташлаган таклифни қабул қилиб, кредит маблағини зудлик билан Б.Абдушариповнинг корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб берди. Бу маблағ тез орада нақдига дўнган кўйи А.Абдуллаевнинг "чап чўнтаги"дан жой олди. "Хива Маркс инвест" хусусий корхонаси раҳбари эса, бир йўла ҳам банкдан қарзга олган катта миқдордаги пули, ҳам ваъда қилинган йирик ҳажмли мол ва қимматбаҳо дастгоҳдан мосуво бўлди. Банк раҳбари ўзининг яқин ҳамтовоғи Б.Абдушариповнинг "камтарин хизмати" ва қоп-қоп ваъдалари эвазига қўлга киритилган пулни эгасига қайтармади. Аксинча, ўзганинг ҳақини ҳазм этишдан ор қилмаган "ёшулли" жиноий фаолиятини яна давом эттиришга киришди. Хусусан, ўзганинг пулини ўмаришга қаратилган навбатдаги "тадбир"ни бу гал ҳам А.Панаев билан ҳамкорликда амалга оширди. Тумандаги "Гандимён стандарт савдо" масъулияти чекланган жамияти раиси Ўткирбек Абдолов ушбу хуфя режанинг ишончли ижрочиси мақомида намоён бўлди. Устомонлар бу гал фуқаро Х.Худойберганов номига "Мавлуда-Мубина" хусусий корхонасини ташкил этишди. Сўнгра унинг номидан ариза битиб, банк филиали раҳбаридан 200 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли кредит маблағи ажратишни сўрашди. "Ёшулли" ўзи бош бўлиб бошлаган сердаромад ишга йўқ, дермиди?! Ариза зудлик билан қаноатлантирилди. Гаров масъаласини ҳам "ёшулли"нинг ўзи ҳаяламасдан ҳал этди. Қайнотаси Б.Собировга тегишли иморатнинг 3 та хонасини нотурар жой — мулк сифатида қайта рўйхатдан ўтказиб, гаровга қўйди. Ҳақиқий "мўъжиза" ана шундан сўнг рўй берди. Х.Худойберганов номига "хусусий корхонаси"га темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ажратилган 200 миллион сўмлик кредит маблағи орадан бир неча кун ўтмаёқ Ў.Абдоловнинг "Гандимён стандарт савдо" корхонаси ҳисоб рақамига келиб тушди. Корхона эгаси ушбу пулнинг 80 миллион сўмини беистиҳола бетон ишлаб чиқариш ускунасини "харид" қилишга сарфлади. Аммо амалда бу маблағ эвазига арзигулик бирон-бир матоҳ харид қилинмади. Бари сохта ҳужжатлар эвазига амалга оширилди. Устомон тадбиркор бетон ишлаб чиқариш ускунасининг эмас, 100 миллион сўм эвазига нақдлаштирилган 80 миллион сўмнинг соҳибига айланди. Нақдлаштирилган пулнинг 20 миллиони банк мутасаддилари чўнтагини "семиртиради". Қолган 100 миллион сўмнинг тақдири ҳам шундай бўлди. Нақдига дўнган кўйи бир қисми хусусий корхона эгасининг, қолган қисми эса, икковлон банкирнинг чўнтагига бориб тушди.

Қисқаси, айтаверсак, гап кўп ва бари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳийлаю фириб амалларига бориб тақалаверади. Шу йўсиндаги бошқа бир "тадбир" ҳам ўзининг "жимжимадор" натижасини берди. Ундан наинки банк мутасаддилари, балки "ёшулли"нинг қайнонаси М.Ташимова ҳам наф кўрди. Банк раҳбариятининг ташаббусига биноан аввалига унинг номига "Комила-Бекзод" масъулияти чекланган жамияти таъсис этилди. Пировардида эса, қайнона номидаги бу масъулияти чекланган жамияти, гарчи, чорвачиликка ихтисослашган бўлмаса-да, унинг "ривожи" учун нақд 200 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағи ажратилди. Маълум бўлишича, қайнона бунча миқдор пулни аслида йўқ соҳанинг тараққиёти учун эмас, балки тумандаги "Шоҳимардон", "Ойбек-Баҳром" фермер хўжаликларидан пул кўчириш йўли билан қорамол харид қилишга йўналтирган. Харид, чиндан ҳам, амалга оширилган. Аммо харид қилинган моллар тез орада яна бозорга чиқарилиб, пуллаб юборилган. Қайнона ва куёв эса, мўмай миқдорда нақдлаштирилган маблағнинг соҳибига айланишган. Галдаги банк "операцияси" ҳам куёв ва унинг муовини ташаббусига асосан М.Ташимова номидан амалга оширилган. Қайнона номига "Ласетти" русумли енгил автомашина харид қилиш учун 4 йил муддатга 132 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилган. Ажабланарли жиҳати шундаки, мутасаддилар бу ишни амалдаги қоида, яъни Марказий банк бошқаруви қарори билан тасдиқланган Низом талабларига асосланмасдан, балки унга хилоф равишда: банк Кенгашининг рухсатини олмаган ҳолда амалга оширишган. М.Ташимова бу пулни чиндан ҳам, "Ласетти" русумли автомашинасини харид қилишга сарфлаган. Афсуски, қинғирликнинг совуқ турқи бу ерда ҳам бўй кўрсатади. Аниқроқ айтганда, мутасаддилар кредит эвазига харид қилинган автоулов гаров объекти саналиши ва қарз узилмай туриб, сотилиши ман этилганини билсада, ўзлари билганидан қолишмаган. Яъни автомашинани самарқандлик бир харидорга сотиб юборишган. Чўнтакка яна нақд пул "оқиб" кирган. Давлатнинг 132 миллион сўмлик кредит маблағи бу гал ҳам ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилинган.

Банк муассасаси раҳбари ва "Хива чорва насл" масъулияти чекланган жамияти раиси Султонназир Полиёзов ўртасида амалга оширилган "ҳамкорлик операцияси" якунида эса, давлатимиз томонидан кам даромадли хонадонлар учун ажратилган 102 миллион сўм маблағ талон-торож қилинган. Бу маблағ расмийлаштирилган қалбаки ҳужжатлар асосида банк раҳбари киссасига тушган. Кейинчалик ҳам банкнинг устомон раҳбарлари шу тарзда ҳужжатларни сохталаштириб, Н.Қунназарованинг 220 миллион, М.Матёқубовнинг 55,2 миллион, Ш.Жуманиёзовнинг 67,7 миллион, Р.ва К.Тиллаеваларнинг 100 миллион сўмини алдов, фириб, растрата ва ўзлаштиришнинг антиқа усуллари асосида "ҳазм қилиб" юборишган.

Диёнатли инсон ҳеч қачон ҳаром луқмани ҳазм этолмайди, ҳазар қилади, ундан кўра, ҳалол ва фидойи меҳнати билан топилган ризқ-насибани афзал билади.

Зеро, закий аждодларимиз айтганидек, диёнатинг не бўлса, ёзиғинг ҳам шундай бўлади. Демакки, ҳар ким экканини ўради.

"Қишлоққурилишбанк"нинг Хива филиалига уя қуриб олган ҳамтовоқларнинг тақдири ҳам шундай кечди: "эккан"ини "ўришди"...

Тергов идораси томонидан банк филиали раҳбари Абдулла Абдуллаевнинг қилмиши Жиноят кодексининг талон-торожликка оид 167-моддаси 1-2-3-қисмлари турли бандлари, фирибгарликни ифодаловчи 168-модданинг 2-3-4-қисмлари тегишли бандлари, сохта тадбиркорликни назарда тутувчи 179-моддаси, мансаб сохтакорлигидан иборат 209-моддаси 2-қисми бўйича малакаланди. Гумонланувчи ушбу айбларни қисман тан олди. Сохта тадбиркорлик юзасидан қўйилган айбни эса, тан олмади. Шу боис, суд тергови жараёнида айбланувчининг бу эътирозига аниқлик киритилди. Яъни судланувчи томонидан сохта тадбиркорликка тааллуқли Жиноят кодексининг 179-моддаси талаблари бузилмагани аниқланди. Шу муносабат билан бу айб унинг зиммасидан соқит қилинди. Бундан ташқари суд жараёнида тергов органи томонидан муқаддам эълон қилинган бошқа бир қатор айбларга ҳам аниқлик киритилиб, қонун тақозосига кўра, тегишли тарзда ўзгартирилди. Айни пайтда содир этилган қилмиш моддий ва ижтимоий жиҳатдан бирмунча оғир ва хавфли экани, жиддий ва асоратли оқибатларга олиб келгани, оддий фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари бунинг жабрини тортишгани назарда тутилди. Суд судланувчини тегишли муддатга озодликдан, шунингдек, давлат иштирокидаги ташкилот ва корхоналарда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилди.

Шунингдек, ушбу жиноий қилмишларнинг бошқа иштирокчиларига нисбатан ҳам, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Ҳеч кимга сир эмас, банк иши аниқлик, назорат ва тафтишни, ажратилган кредитларга нисбатан эса, улардан мақсадли фойдаланишни талаб қилади. Бу фикр юқори турувчи банк соҳаси, маҳаллий ҳокимият идораси, бошқарув ва назорат органлари мутасаддиларига ҳам тегишли. Назаримизда, ушбу бўғинларнинг мазкур банкка нисбатан назорат ва раҳбарлиги сезиларли даражада сустлашган кўринади. Оқибатда давлат муассасаси бўлган банкда содир бўлган жиноий қилмишларга панжа орасидан қарашган. Башарти, барча воқеликка қонун кўзи билан қарашганида ҳаммаси рисоладагидек кечиши муқаррар эди.

Улуғбек БЕКТУРДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди раиси вазифасини бажарувчи,
Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Мезон

Бепул тиббий кўрик

суд қароридан сўнг амалга оширилади бўлди

Кейинги йилларда Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда мактабгача таълим муассасалари ходимлари учун бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда.

Аммо айрим ташкилотлар мактабгача таълим муассасалари ходимларининг ҳуқуқларига риоя этмаётгани судларга даъво аризалари киритилишига асос бўлмоқда. Масалан, Асака туман маъмурий судига туман адлия бўлимидан 7 та ариза келиб тушгани бу фикрни тасдиқлайди. Хусусан, адлия бўлими судга тумандаги 33-мактабгача таълим муассасаси ходимлари манфаатини кўзлаб мурожаат қилган.

Аниқланишича, Асака туман тиббиёт бирлашмаси ва туман давлат санитария эпидемиология назорат маркази мутасаддилари 33-мактабгача таълим муассасасида фаолият юритадиган Д.Жумабоева, С.Ҳолиқова, М.Турғунова, Д.Умарова, М. Охунжонова, Ш.Комилова ва М.Қурбонқуловани бепул тиббий кўрикдан ўтказишни рад этган.

Шундан сўнг туман адлия бўлими ўз ваколати доирасида судга мурожаат қилган.

Айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги "Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорида мактабгача таълим ташкилотининг штатдаги ходимлари соғлиқни сақлаш муассасаларида белгиланган тартибда бепул тиббий текширувдан ўтказилиши белгиланган. Мазкур имтиёзни қўлламаслик эса, инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш ҳисобланади. Бинобарин, 2019 йил 23 сентябрь куни Асака туман адлия бўлими томонидан юқоридаги қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан туман Давлат санитария эпидемиология назорат маркази ва туман тиббиёт бирлашмасига тақдимнома киритилди. Бироқ Асака туман давлат санитария эпидемиология назорат маркази Меҳнат кодексининг 214-моддасига мувофиқ, ходимларни дастлабки ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб туришини таъминлаштириш иш берувчи зиммасига юклатилгани, лекин бугунги кунга қадар юқоридаги ташкилий ишлар ва тиббий кўрикдан ўтиш харажатларини қоплаш ишлари мактабгача таълим бўлими ёки ташкилотлар томонидан ташкиллаштирилмагани ҳамда тўловлар қопланмагани сабабли, ходимларнинг шахсий маблағи ҳисобида амалга оширилаётганини маълум қилган. Асака туман тиббиёт бирлашмаси эса, туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги тиббий кўрик комиссияси томонидан дектерив контигентларни дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказилиши белгиланган тартибда шартнома асосида пуллик амалга оширилишини билдирган. Шу боис, туман адлия бўлими судга мурожаат қилган.

Маълумки, Меҳнат кодексининг "Тиббий кўрик" деб номланган 214-моддасида иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ва тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимларини вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шартлиги, тиббий кўриклардан ўтиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмаслиги қайд этилган. Бундан кўриниб турибдики, иш берувчи ўз ходимларини тиббий кўрикдан ўтишини фақат ва фақат ташкиллаштиради, холос. Яъни ушбу муассаса раҳбари ёки иш берувчи бўйруқ ёки белгиланган жадвал асосида ходимларини тиббий кўрикдан ўтишини ташкиллаштиради. Зеро, кодексда ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш шартнома асосида ёки пуллик хизмат кўрсатиш тартибида амалга оширилиши назарда тутилмаган. Шу боис, Асака туман маъмурий суди туман давлат санитария эпидемиология назорат маркази ва туман тиббиёт бирлашмаси зиммасига 33-сонли мактабгача таълим ташкилотининг штатдаги ходимларини белгиланган тартибда бепул тиббий кўрикдан ўтказиш мажбуриятини юклаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Кези келганда шуни айтиш лозимки, амалдаги қонунлар талабига биноан, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади. Шундай экан, ҳар бир соҳанинг масъул ходимлари ўз тизимларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиши шарт. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга турли хил оворагарчилик ва сансалорликларнинг олдини олади.

Баҳром БЕРДИЕВ,
Асака тумани маъмурий судининг раиси

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ, **Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ**, **Икрам МУСЛИМОВ**, **Замира ЭСОНОВА**, **Холмўмин ЁДГОРОВ**, **Олим ҲАЙИТОВ**, **Бахтиёр ИСАКОВ**, **Азиз МИРЗАЕВ**, **Светлана АРТИКОВА**, **Бобомурод РАЙИМОВ**

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-123. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 10244
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 23^{00}. Топширилди: 2^{30}.